# АНКЛАВ ҲУДУДЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНТИРИШГА БЕРИЛАЁТГАН ЭЪТИБОР НАТИЖАСИДА ФАРҒОНА ТУМАНИДАГИ ҲОСИЛОТ МАҲАЛЛАСИНИНГ ҚИРҒИЗИСТОН ҲУДУДИДАГИ ТОШТЕПА-2 КЎЧАСИ ҲАМ ОБОД МАСКАНГА АЙЛАНМОҚДА

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, вилоят секторлари раҳбарлари билан биргаликда Фарғона туманидаги Ҳосилот маҳалласининг Қирғизистон ҳудудидаги анклав қисми – Тоштепа-2 кўчасида бўлиб, бир қатор ижтимоий объектларни фойдаланишга топшириш тадбирида иштирок этди ва аҳоли яшаш шароитлари билан танишди.

Қайта таъмирланган 60-умумтаълим мактаби биносининг очилиш маросимида сўз олган вилоят ҳокими, Давлатимиз раҳбари томонидан анклав ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган улкан ишларга алоҳида тўхталиб, мактабда ўқувчиларга қулайлик яратиш мақсадида замонавий усти ёпиқ стадион ҳамда мактабга хўжалик ҳисобида қўшимча даромад манбаи бўлиши учун иссиқхона ташкил этилишини маълум қилди.

Шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатувчи қишлоқ врачлик пункти ва маҳалла гузари фойдаланишга топширилди.

Ҳудудга 2 км ичимлик суви тармоғи тортилиб, 55 та электр таянч устунларнинг ўрнатилганлиги мавжуд 72 та хонадонда истиқомат қилувчи 260 нафардан зиёд аҳолининг бу борадаги муаммоларига муносиб ечим топилишига хизмат қилди.

Вилоят раҳбари маҳалла кўчасини тўла шағаллаштириш юзасидан мутасаддиларга топшириқ берди. 72 та хонадоннинг ҳар бирига тикув машиналари берилиб, аҳоли бандлиги таъминланадиган бўлди. Иссиқхона ташкил қилиш, чорва ҳайвонлари боқиш учун кредит олиш истагида бўлганларнинг ҳам рўйхати шакллантирилиб, молиявий кўмак ажратилиши белгилаб қўйилди.

Аҳоли мурожаатларидан келиб чиқиб, эски мактаб биноси ўрнида мактабгача таълим муассасаси ташкил этиладиган бўлди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,
2021-12-14 16:30:09